

# ЖАЛҒАК СҮЗИ



1991 йил 1 январдан  
чиқа бошлаган.


Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

6 МАЙ, ЖУМА № 89 (837).  
Сотувда эркин нархда. 1994 йил

## КЕЧА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ XV СЕССИЯСИ ОЧИЛДИ



СУРАТЛАРДА: сессия залида.



Ш. ИБРОҲИМОВ олган суратлар.

**ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ  
ПРЕЗИДЕНТИ  
ИСЛОМ  
АБДУҒАНИЕВИЧ  
КАРИМОВ  
ЖАНОБИ  
ОЛИЙЛАРИГА**

Муҳтарам Президент жа-  
ноблари!

Собиқ Президент Ричард Никсон вафоти муносабати билан билдирган самимий ҳамдардликнинг учун Америка халқи номидан миннатдорлигини қабул қилгайсиз.

Шу йилнинг каломи ва фаолиятдан баҳраманд бўлган дунёдаги кўп кишиларнинг таъзиялари ва яббатларидан Никсонлар оиласи таскин топгай, деб ишонаман.

Қамолд эҳтиром ила,  
Уильям Ж. КЛИНТОН,  
Америка Қўшма Штатлари Президенти.

Ўзбекистон Республикаси  
Олий Кенгашининг XV  
сессияси тўғрисида

### АХБОРОТ

5 май кунги Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XV сессияси бошланди.

Уни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси вазири раисини бажарувчи Э. Халилов очди.

Мажлис ахли вафот этган Ўзбекистон халқ депутатлари Р. Чачи ва О. Исаев хотирасини бир дақиқа сукут билан ёдга олди.

Депутатлар сессия кун тартибидан тасдиқлади ва котибиятни сайлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов депутатлар хузурида катта нутқ сўзлади. Олий Кенгаш республика Президенти нутқи юзасидан қарор қабул қилди.

Олий Кенгаш маданият ва маданий меросини асраш масалалари кўмитаси раиси П. Қодировнинг «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонини белгилаш ва Олий нишон — «Олтин Юлдуз» медалини таъсис этиш тўғрисида», «Мустақиллик» ва «Дустлик» орденларини, «Жасорат» ва «Шухрат» медалларини таъсис этиш юзасидан қонун лойиҳалари ҳақидаги маърузаси тинчланди.

Таъсис этилган унвон, орденлар ва медалларга оид тегишли қарорлар қабул қилинди.

Шундан сўнг депутатлар С. Усмонов, И. Файзуллаев, Э. Воҳидов, И. Юсупов, В. Сигеидин ва А. Ғуломмажидов бири-кетини ишбарга чиқди. Улар Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга, фуқаролар тотувлиги ва бутун халқнинг бунёдкорлик меҳнати билан банд бўлиши учун шарафли яратилган кўшган улкан ҳиссасини таъкидлаб, депутатлар, меҳнат жамоалари, жамоат бирлашмалари ва сайловчилар номидан Ислам Абдуғаниевич Каримовга «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонини бериш ва Олий нишон — «Олтин Юлдуз» медали билан таъдирлашни таклиф қилди. Бу фикрни халқ депутатлари яқдиллик ва кўтаринки руҳда қўллаб-қувватлади.

Парламентнинг кечки мажлисини Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раисининг ўринбосари Б. Вугров бошқарди.

Олий Кенгаш Раиси вазифасини бажарувчи Э. Халилов «Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси тўғрисида»ги Конституциявий Қонун лойиҳасини, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида»ги, «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуларнинг лойиҳалари ҳақида маъруза қилди.

«Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси дастлабки ўқишда маъқулланди. Кейинги иккита Қонун қабул қилинди.

Иқтисодий ислохот, бюджет сисёвати ва маҳаллий ўзини ўзи боқариш кўмитасининг раиси Э. Хўжаевнинг маърузаси бўйича «Чет эл инвестициялари ва чет эллик инвесторлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Банк-роҳатли тўғрисида»ги ва «Қимматли қозғолар билан амалга ошириладиган операциялардан олинмаган солиқ тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуларини қабул қилди.

Республика адлия вазири А. Мардиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Жиноят ва жазо ҳақида Жиноят-процессуал кодексларни лойиҳаларини тўғрисидаги маърузаси тинчланди. Бу икки ҳужжат биринчи ўқишда қабул қилинди. Ўзбекистон Олий Кенгаши сессияси давом этмоқда.



Ўзбекистон Республикаси  
Олий Кенгашининг қарори

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ И. А. КАРИМОВГА «ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ» УНВОНИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қарор қилади:

Суверен ва мустақил Ўзбекистонни барпо этиш, халқпарвар демократик ҳуқуқий давлат яратиш, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлиқни таъминлаш ишига кўшган улкан ҳиссаси ҳамда бу борада матонат ва жасорат кўрсатганини учун Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислам Абдуғаниевич Каримовга «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонини бериш, Олий Нишон — «Олтин Юлдуз» медали топширилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи  
Э. ХАЛИЛОВ.

Тошкент шаҳри,  
1994 йил 5 май.

## ЙЎЛИМИЗ—МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЧИЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИ XV СЕССИЯСИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Муҳтарам халқ ноиблари! Азия дўстлари! Диримизнинг серфайз кўклам фаслида сизлар билан яна бир бор юз кўришганимиздан бағоят мамнунман. Сизларни юртимиз истиқлолининг учинчи баҳори билан чин рақадан муборакбод этишга, барчангизга мустақам соғлиқ, куч ва ғайрат, бахт ва саодат тилашга рухсат этгайсизлар.

Сунгги сессиядан бери тўрт ой ўтди. Шу вақт мобайнида мамлакат ҳаётида туб ўзгаришлар содир бўлди. Ўзбекистон ўз тараққиёти ва истиқлолининг янги босқичига дадил қадамлар қўйди.

Бу йўлда орттирган оз бўлса-да тажрибамиз шунини кўрсатадики, ҳаётимизнинг, иқтисодийётимизнинг ўзгаришлари, олға силжишлар ўз-ўзидан, бирданга бўлмас экан. Бу жараённинг пасту баланд ўринлари, машаққатли синовлари жуда кўп. Шу тўғрисида, танланган йўлни гўл пухта ва тегиз ўрганиш, ҳар бир ўтилаётган босқични — қўйлаётган қадамларимизни — аниқлаш, онгимизга синдириш, мақсад этган ва етиб бораётган манзилимизни аниқ тасаввур этиш, бу — барчангизнинг, машаққатли йўлга бел боғлаб чиққан инсонларнинг, авваламбор, фаолларимиз ва етакчи раҳбарларимизнинг муқаддас бурчи.

Мажозий маънода айтсак, ҳозирги бозор иқтисодиёти — бамисоли бир денгиз, унинг тинч ва сувз жойлари ҳам, чуқур, жушунч мавжлари ва буртаналари ҳам бор.

Ҳаммамиз яхши англашимиз керак: шопи-пиша, манзилни билмай, юмққуз билан бу денгиз бўйлаб эркин

сузиб бўлмайдми. Авваламбор, сузиб ўтиладиган сарҳадни пухта аниқлаб, мустақам кема танлаб ва ишончли қўмонда тузиб, уни нотинч уммонда сузишга ўргатиш, ана ундан кейин йўлга чиқиш керак. Бу шундай мураккаб ва қийин вазифа!

Ана шу ҳулосаларни ҳисобга олиб, биз мустақилликка эришганимиздан бери ўтган даврда иқтисодий ислохотларни ҳаётга татбиқ қилиш учун назарий ва амалий дастурларни ишлаб чиқиш билан шуғулландик.

Бугун мамнуният билан таъкидлашимиз мумкин: гарчи бошда ким нима демасин, қанчалик сайрамасин, ҳаётимизнинг ўзи кейинги икки йилда биз танлаган, ўзимизга хос ва мос йўлни исботлади. Собиқ Иттифоқ ўрнида ташкил топган бир қанча давлатлардан фарқли ўлароқ, Яратганга минг қатла шукри, юртимиз тинч, халқимиз меҳнат билан банд, иқтисодиётимизда катта ўпирлишларга ва қўлашларга йўл қўямдик.

Бугунги кунда Ҳамдўстлик мамлакатлари билан иқтисодий ва ҳўжалик алоқалари қанчалик мураккаб эканини яхши биласизлар. Шунга қарамасдан, мамлакатимиз иқтисодиётида аҳвол барқарор бўлиб турибди. Саноат маҳсулоти январи ойга нисбатан 20 фоиз, февралга нисбатан 19 фоиз кўпайди. Бюджетдаги камомад ялпи ички маҳсулотнинг 4,8 фоизини ташкил этди, янги чамаланган даражадан ҳам озорқ бўлди.

Саноатнинг тармоқ тузилмаларида иккуний ўзгаришлар рўй бермоқда. Енгил саноат ва озиқ-овқат саноати

маҳсулотлари, ун ёрма ва омихта ем ишлаб чиқариш кўпайди. Ун, нон, усимлик ёғи, маргарин ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш миқдори орди. Нихот, илгаричетдан олиб келинадиган кўпгина маҳсулотларни ўзимизда ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Самарқанд вилоятида тоза спирт чиқарадиган завод, Хоразм вилоятида қанд заводи қурилиши бошланди.

Электр энергияси, нефть ва газ қазиб олиш, нефтьни қайта ишлаш, кўмир кончилиги соҳаларида ҳам маҳсулот ҳажми кўпайди. Бухорода нефть маҳсулотларини қайта ишлаш заводи қуриляпти. Юртимизда янги қурилишлар, ер ўзлаштириш, ободончилик ишлари кенг миқёсда бораётир.

Агар соҳада ҳам аҳвол ёмон эмас. Бу йил галлазорлар икки мартаба кўпайди. Экин ишлари жадал сурьатлар билан ўтказилди. Ҳаммамиз Оллоҳ таолодан, она табиятимиздан сўрашимиз даркорки, бу йил ҳам меҳнатчи халқимизнинг насибасини мўлқўл қилиб берсин!

Шу билан бирга, ўтган давр бизни кўп масалалар бўйича тажрибали қилди, кўзимиз очилди. Бугунги кунда ташқи ва ички сибасимизни дадил ва бардам юртимизда астойдил бел боғлаб меҳнат қилаётган халқимизнинг ўзи бизларга катта мадад бағишляпти.

Хурматли дўстлар! Бугун иқтисодий ислохотнинг янги босқичи бошланди. Авваламбор, иккуний ўзгаришларни ҳам маънавий, ҳам моддий ҳаётимизда кўриш мумкин. Одамларнинг

руҳияти, дунёқараши, мулкка ва меҳнатга муносабати ўзгаришти. Ишбилармонликка ва тадбиркорликка нисбатан иккуний фикрлар уйғонди.

Уй-жойларни хусусийлаштириш, савдо, маҳаллий саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларидаги хусусийлаштириш жараёни амалда тулган арафасида, саноатда, қурилишда, транспортда, деҳқончилик-саноат мажмуининг гўшт-сут, озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш тармоқларида йирик корхоналарга айлантириш ишлари фаол дамом эттирилмоқда. Молия ва банк тизими қайта тузилмоқда.

Ўнда қилиб айтганда, ислохотларнинг янги босқичига ўтиш учун керакли шарт-шароит яратилди. Бу борада шу йил 21 январда чиқарилган Фармонни алоҳида эслаб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлув эди. Унинг аҳамиятини илгари ҳам баътафсил баён этган эдик, бугун яна бир нарсга таъкидлаш лозим деб ўйлайман.

Ҳўш, 21 январь Фармони бизга нималар берди?

Биринчидан, ва мамлакатимизда ўтказилаётган иқтисодий ислохотларни янада юксак босқичга кўтарди, уларга янги сифат йўналишларини ва кафолатларини берди.

Иккинчидан, хусусий мулкка кенг йўл очиб бериш ва уни ҳимоялаш, мулкнинг барча шаклларидаги ҳар бир корхона ҳамда ишбилармонларнинг тадбиркорлик фаолиятини кучайтириш учун янги имкониятлар очди.

(Давоми 2-бетда).

### Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарори ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ И. А. КАРИМОВНИНГ АХБОРОТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг ахборотини тинглаб, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши шунини қайд этдики, Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш, туб иқтисодий-иқтисодий ва демократик ўзгаришларни қўллаб-қувватлаб чиқилган йўл изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Республикани сўбат жиҳатидан янги ҳолатга ўтказиш гоёси таъсирни остида мамият жипслашмоқда, мамлакат иқтисодиётини соғломлаштириш жараёни нечмоқда. Ҳўжалик юртишнинг янги усуллари қарор топтоқда, бошқаруви ташкилий тузилмаларини қайта қуриш давом этмоқда. Фаол ташқи сибас олиб боришмоқда. Ўзбекистоннинг халқаро обрў-эътибори мустаҳкамланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи  
Э. ХАЛИЛОВ.  
Тошкент шаҳри,  
1994 йил 5 май.



Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши XV сессияси

Йўлимиз — мустақил давлатчилик ва тараққиёт йўли

(Боши 1-2-бетларда).

Россия Президенти Б. Н. Ельцин тақлифига биноан Ўзбекистон расмий делегациясининг Москвага ташири...

Шахсан мен ўзим қилган ишларимизни Турон заминидан, Туркистон заминидан...

Узлари қийналса майли эди, лекин бундай раҳбарларга ишонган халқ ҳам оғир аҳволда.

Кейинги пайтларда Европадаги иттифоқнинг тузиш ҳақидаги шов-шуволар кўпчилигининг диктантини тортди.

Ота-боболаримиз асрлар мобайнида орун этган истиқлол йўлига чиқиб олди.

Муҳтарам дўстлар! Мен сизларга оғир айтишим зарур: қўшни мамлакатлардаги айрим эски замоннинг қўсаган кучлар тағин бош кўтаргач...

Қани, айтинлар, азиз дўстлар, агар одамларда яхши, олижаноб ният-умидлар, эзгу фикрлар бўлса...

Бундай интилиш ва ҳаракатда бўлганлар сонини, ўйлаётганимиз, бизнинг мамлакатимизда унчалик кўп эмас.

Хурматли дўстлар! Марказий Осиё ҳудудида Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон алоқалари дўстона ривож топмоқда.

Мамлакатимиздаги вазият ҳақида гап кетаркан, атрофимиздаги мустақил мамлакатлардаги аҳвол ва сиёсий кайфиятлар билан ҳисоблашмасдан бўлмайдим.

Ўнг долзарб масала — одамларнинг қоринини тўйдириб бўлса, бу ниятини куруқ гап билан эмас, балки иқтисодий ўзгаришлар ва амалий ишлар билан рубога чиқариш мумкин.

Муҳтарам дўстлар! Эски тузумни қўсаганлар бугунги қийинчиликларни рўқач қилиб, улардан фойдаланиб, ўзларининг қабих ниятларига эришмоқчи бўладилар.

Бугун ёши муътабар отахонларимиз ва онахонларимиз қўлларини дуога очиб: «Йўлимиз, юртимизга тинчлик-осойишталик берсин, халқимизнинг омадини берсин!» деб сўйдиқдилар тилак ва илтижолар қиладилар.

Агар юртимизнинг дардларини англамасак, аждодларимизнинг озодлик ҳақидаги муқаддас вазиятларини амалга оширмасак, айтишларим, азиз биродарлар, биз нима деган одам бўлаемиз? Агар юртимизнинг чин маънода мустақил бўлишини татмин этолмасак, кейин қандай бош кўтариб юрамиз?!

Ана шу хавфни ҳозирдан англамоғимиз зарур. Шу муқаддас заминда яшаш, юртимиз фарзандлиги бурчинини ўйлаган ҳар бир инсон бу хатарни ўз вақтида англаб, «ўйинчи»ларга ўз вақтида зарба бериши керак.

Азиз дўстлар! Биз келажикка катта ишонч билан қараймиз. Ҳар биримиз шу муқаддас заминга фарзандлик бурчимизни тўғри ва тўқиланган, ўз иш жойимизда ва ўз масъулиятимизни бунинга олиб, фидойилик билан меҳнат қилсак — марра бизники.

Имзоланган қарорлар ва шартномалар ўзаро ишонччиликни муҳайраклашди, қорхона ҳамда одамларимизнинг ишлаш ва ҳаёт кечиришига, ўзаро борди-келдисига аниқ енгиллик берди, десак адашмаймиз, албатта.

Мамлакатимиздаги вазият ҳақида гап кетаркан, атрофимиздаги мустақил мамлакатлардаги аҳвол ва сиёсий кайфиятлар билан ҳисоблашмасдан бўлмайдим.

Ўнг долзарб масала — одамларнинг қоринини тўйдириб бўлса, бу ниятини куруқ гап билан эмас, балки иқтисодий ўзгаришлар ва амалий ишлар билан рубога чиқариш мумкин.

Муҳтарам дўстлар! Эски тузумни қўсаганлар бугунги қийинчиликларни рўқач қилиб, улардан фойдаланиб, ўзларининг қабих ниятларига эришмоқчи бўладилар.

Бугун ёши муътабар отахонларимиз ва онахонларимиз қўлларини дуога очиб: «Йўлимиз, юртимизга тинчлик-осойишталик берсин, халқимизнинг омадини берсин!» деб сўйдиқдилар тилак ва илтижолар қиладилар.

Агар юртимизнинг дардларини англамасак, аждодларимизнинг озодлик ҳақидаги муқаддас вазиятларини амалга оширмасак, айтишларим, азиз биродарлар, биз нима деган одам бўлаемиз? Агар юртимизнинг чин маънода мустақил бўлишини татмин этолмасак, кейин қандай бош кўтариб юрамиз?!

Ана шу хавфни ҳозирдан англамоғимиз зарур. Шу муқаддас заминда яшаш, юртимиз фарзандлиги бурчинини ўйлаган ҳар бир инсон бу хатарни ўз вақтида англаб, «ўйинчи»ларга ўз вақтида зарба бериши керак.

Азиз дўстлар! Биз келажикка катта ишонч билан қараймиз. Ҳар биримиз шу муқаддас заминга фарзандлик бурчимизни тўғри ва тўқиланган, ўз иш жойимизда ва ўз масъулиятимизни бунинга олиб, фидойилик билан меҳнат қилсак — марра бизники.

МИЛЛАТ ШАЪНИ-Ю МАМЛАКАТ НУФУЗИГА ДАҲДОР ОНЛАР

СЕССИЯ ЗАЛИДАН РЕПОРТАЖ

Ҳар фаслнинг ўз вазифаси, ўз таровати бўлгандай, ҳар бир сессиянинг ҳам мамлакатимизга иқтисодий-сиёсий ҳаётдаги аҳамияти айричандир.

Соодатли, буюк дақиқаларни тарихга муҳрлаб қўйиб, қилиб қўйган ишларидан ўзларини бир неча сония лол қотган, оламшумул бу воқеанинг аҳамияти ноёнлар шунунки...

Бек деган миллат, Ўзбекистон деган мамлакат тараққиётини, шаъни ва нуфусининг юксалиши бориши билан дахлдор эди.

Дарҳақиқат, биз бугун бозор иқтисодиёти жараёнининг биринчи босқичига бир қадам яқин ясадик.

Кўни-кеча ҳаётни авлодларга ибрат бўлган бир гуруҳ кишиларнинг «Соғлом авлод учун» ордени билан тақдирланганини кутаятган ҳар бир Ўзбекистонлик юрагидега эзгулик ва гурури яна бир қарра танта на қилди.

Кўни-кеча ҳаётни авлодларга ибрат бўлган бир гуруҳ кишиларнинг «Соғлом авлод учун» ордени билан тақдирланганини кутаятган ҳар бир Ўзбекистонлик юрагидега эзгулик ва гурури яна бир қарра танта на қилди.

Кўни-кеча ҳаётни авлодларга ибрат бўлган бир гуруҳ кишиларнинг «Соғлом авлод учун» ордени билан тақдирланганини кутаятган ҳар бир Ўзбекистонлик юрагидега эзгулик ва гурури яна бир қарра танта на қилди.

Кўни-кеча ҳаётни авлодларга ибрат бўлган бир гуруҳ кишиларнинг «Соғлом авлод учун» ордени билан тақдирланганини кутаятган ҳар бир Ўзбекистонлик юрагидега эзгулик ва гурури яна бир қарра танта на қилди.




СУРАТЛАРДА: сессиядан даҳдалар. А. ЗУФАРОВ олган суратлар.

СЎЗ-СЕССИЯ ҚАТНАШЧИЛАРИГА



Парда АБДУЛЛАЕВ, Китоб тумани, «Навбахор» жамоа хўжалигидаги 7-бригада бошлиғи, Ўзбекистон халқ депутати.



Зулхонор НИЗОВА, Сурхондарё вилояти Ҳўн туманидаги Б. Омонов номи жамоа хўжалиги ферма мудири, Ўзбекистон халқ депутати.



Ҳамид ЛУҚМОНОВ, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ўқитувчиси, Ўзбекистон халқ депутати.

— Моёйга назар ташлайдиган бўлсак, аждодларимиз ҳам қандай оғир даврларда ҳам ҳалол ва омилқорона меҳнатлари билан ўзларига йўл очганларининг тўғри бўлиши, Халқимиз «Харакада» бариққан деган пурҳикмат мақолини беизиб айтмаган.

— Республикада ҳуқуқ-тартиб масалаларига алоҳида эътибор берилганлиги қувонарли ҳол. Бу масалаларнинг сессия кун тартибидан ўрин олишидан қониқиб ҳиссини туйдим. Буюк жаҳонгир бобомиз Амир Темур ҳам салтанат қонун-қоидалари мустаҳкамлигига алоҳида эътибор бериб, ўзи ҳам унга бўйсунган экан.

— Президентимизнинг сессияда сузлаган нутқи мени беҳад тўқилантирди. — У киши таъиндлаб ўтганидан, мамлакатимизда ҳаётида рўй бераётган иқтисодий ўзгаришлар мустақиллик сари дадил қадам ташлашимизда бизга куч-қувват бағишламоқда.

Бригаданимиз ҳисобида 130 гектар ер бор. Шундан 55 гектарига пахта, 20 гектарига шол, 2 гектарига пилас, 25 гектарига сугориландиқни бутдой, 22 гектарига беда, 4 гектарига олма, 2 гектарига пилла учун тут дарахлари экканмиз.

— Президентимизнинг сессияда сузлаган нутқи мени беҳад тўқилантирди. — У киши таъиндлаб ўтганидан, мамлакатимизда ҳаётида рўй бераётган иқтисодий ўзгаришлар мустақиллик сари дадил қадам ташлашимизда бизга куч-қувват бағишламоқда.

— Президентимизнинг сессияда сузлаган нутқи мени беҳад тўқилантирди. — У киши таъиндлаб ўтганидан, мамлакатимизда ҳаётида рўй бераётган иқтисодий ўзгаришлар мустақиллик сари дадил қадам ташлашимизда бизга куч-қувват бағишламоқда.

Депутатлар давлат уювонлари ва ишонларнинг таъсис этишга доир тарихий қонуларни яқдиллик билан қабул қилдилар.

— Президентимизнинг сессияда сузлаган нутқи мени беҳад тўқилантирди. — У киши таъиндлаб ўтганидан, мамлакатимизда ҳаётида рўй бераётган иқтисодий ўзгаришлар мустақиллик сари дадил қадам ташлашимизда бизга куч-қувват бағишламоқда.


— Президентимизнинг сессияда сузлаган нутқи мени беҳад тўқилантирди. — У киши таъиндлаб ўтганидан, мамлакатимизда ҳаётида рўй бераётган иқтисодий ўзгаришлар мустақиллик сари дадил қадам ташлашимизда бизга куч-қувват бағишламоқда.

«Халқ сўзи» мухбирлари Гафур ШЕРМУХАММАД, «Ойбек РАҲИМ» суҳбатлашди.

СИЗНИ СУЮБ, СУЯНДИМ СИЗГА

Тура СУЛАЙМОН

Мухтарам шеърят шай-долари! Гапнинг рости, сўз аввални нимадан бошлашни билмай турибман...



Уқувчим, деганларини эшитган бўлсам, ҳар нарса бў-

лай агар. Устод, дея бариларидан (этак) шоғирдик шодотномасини олиш орзу-синда юрганлар эса совминга эди.

шиқлари, мазмуни бир баъза тенг мақоллари, туни тонга улар эрталари, кишининг ақлу ҳушини олиб қўярлик афсоналари...

МИЛЛИЙ ҲАЙАТ ОЛИМПИАДАСИ АРАФАСИДА ҚИЗИЛҚИР СПОРТЧИЛАРНИ КУТИБ ОЛДИ

ФОРИШНИНГ бу ҳушман-зара қирлари тўрт йилдирки, миллий спорт ўйинлари мас-

ди. Мусобақа иштирокчи-ларини Жиззах шаҳридан Қўзғилдири ўйингоҳига олиб келиш учун «Жиззахтранс» бирлашмаси охирта автобус-

7 май кунин бу ерда республика халқ ўйинлари мусобақаларига старт берилди. Унда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республика-

«Агротекс» фирмаси ПАССАП-ДУОМАТИК-80 ва ЭЛЕКТРОНИК-6000 туқув машиналарини трикотаж иллари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига айирбошлашни таклиф этади.

700011, Тошкент, Навоий кўчаси, 44, 630 - хона. Телефон: 42-27-75.

СҮМ-КУПОНЛАРГА Сочи, Ялта, Кисловодск курортларида ажойиб дам олишингиз мумкин

Овчилик хўжалиги қуриқхоналар ва миллий боғлар бош бошқармаси Овчиликбошқарма

«Узмевасабзавотузумсаноати» концерни раҳбарияти ва жамоаси мелиорация ва ер тузилиши бўли-

ТУШГАЙ

Ер везида етиш душвордан душвор. Уси бўлиб дунё кўзларига тор. Инчадаб ўтар бўлса Маширабдай сар-зор, Қайгуларим қадди доллара тушгай.

Ишқиде бўлиб ман дилли девона, Самандар нисоли ёна ва ёна, Қайтиб келмас Элга бўлсам равона, Мунг-муносиб мажнуу толлара тушгай.

Етиб бўлмас Барчин, Қумушидирсиз? Ехуд бошга қўнмас бир қўшидирсиз? Е унгидан келмас бир тушмидирсиз? Қўнми қачон лаби лаъллара тушгай?

Сурат, сийратингиз тозадан тоза, Номингиз ҳар Элда, тилда авоза, Сиздан олар бўлса Қамар айдоза, Қаннзаклик юзи оллара тушгай.

Сизни деб қай бирлар жунун бўдиллар, Аҳволи қуниба-қун забун бўдиллар, Бирлари савдойи, беун бўдиллар, Билмадим, қай бири тиллара тушгай.

Ойни адишмасан жамолингизга, Минглаб кент, шаҳарини бир холингизга, Муносиб бўлосанг атолингизга, Таигра меҳри Тура қуллара тушгай.

ҚАЙТА КЕТМАС ВҮЛИВ КЕЛДИНГМИ, ВАҲОР?

Еру Самовотда Наврўз нафаси, Богу бўстонларда андалаб саси. Бу нафас, бу сасинг йўқ муқола, Қайта кетмас бўлиб келдингми, ваҳор?

Даслаб тоғ чоғида кўргандим сени, Сунг Таигра тоғида кўргандим сени, Қиллар ёноғида кўргандим сени, Қайта кетмас бўлиб келдингми, ваҳор?

Малак ҳолатингда кўргандим сени, Қушлар қанотинда кўргандим сени, Қўйчи бағтинда кўргандим сени, Қайта кетмас бўлиб келдингми, ваҳор?

Хали айтилмаган таърифинг қанча: Сен то уру қирин айламагунча, Воғлар гулга кирмас, очилмас гулча, Қайта кетмас бўлиб келдингми, ваҳор?

Қошлари ўсалим, кўзи сурмалим, Этан-этан гулли — барн-бурмалим, Сени дунёда ҳеч ким бериалим, Қайта кетмас бўлиб келдингми, ваҳор?

Сен қайта яралиш, ёшлик тисоли, Ҳаёт бахт этгувчи Масх тисоли, Сенсиз одамзоднинг не кечар ҳоли? Қайта кетмас бўлиб келдингми, ваҳор?

Тўрт фаслинг танҳо маликаси — сен, Тугал гузаллигинг илҳоси — сен, Ошиқ-маъшўқларнинг таманиси — сен, Қайта кетмас бўлиб келдингми, ваҳор?

Ер бирла осмоннинг тиллоқони — сен, Айтар қўшиғининг аввал-боши — сен, Олтин бешигининг сафардоши — сен, Қайта кетмас бўлиб келдингми, ваҳор?

ТУРФА ГУЛ

Норнинг норлиги қўзали-шидан, Алнинг аллиги беллашқидан белгили. \*\*\*

Чинорни синамоқчи бўлсанг, силкиб кўр. \*\*\*

Аёл зотинг кўрни ҳам, эрки ҳам, бекалиги ҳам, эркини ҳам кўчада эмас — уйда. \*\*\*

Абдулло ҳожи Ориф ўғли таваллуд топган кутлуг кунда янги шеърят дунёга келган эди. \*\*\*

Тойхар той бўламан деб туғидан айрилган экан. \*\*\*

Агар ҳамма юлдузлар Тонг юлдузидай мунавар бўлганида, Тонг юлдузи деган номинг ўзи бўлмас эди. \*\*\*

Нима учун кечмиш кўзимга яхши кўрина беради десам, унда менинг болалигим қолган экан. \*\*\*

Емон итнинг илнжики — ювунди. \*\*\*

Бу гўсқур онасининг ўлганга эмас, онаси шўр-

ликнинг нафақаси ўзи билан қўшилиб кўмилганга қуяди. \*\*\*

Иккимизга ернинг юзи торлик қила келди. Теги эса торлик қилмайдди. Хотирингиз жаъм бўлсин. \*\*\*

Шернинг шербақчага ўғити — Тутган ўлжанг ўз хунигдан баланд бўлсин. Назарингни паст қилма. \*\*\*

Говмишинг шатақот отиб юрган бузоғини оғоҳлантириши: \*\*\*


— Сузағон бўлсанг боғлаб боқурлар, Е кушхонага чоғлаб боқурлар. \*\*\*

Аргумонинг қулун қулонига дегани: \*\*\*

— Хоназот деган номни олмоқчи бўлсанг «Ҳайти» деганда тўдани ёриб чиқ. Ериб чиқолмасанг бир кечирлар, икки кечирлар. Учинчисида, бу хоназот эмас экан, қазибон экан, деб пешонадангдан хоназот деган номни ўчирарлар. \*\*\*

Сотиб олинг ва эгаллик қилинг, ютқазмайсиз!

10 МАЙ КУНИ ХОРАЗМДА УТҚАЗИЛАДИГАН КҲЧМАС МУЛҚЛАРНИНГ КИМ ОШДИ САВДОСИДА ҚУЙИДАГИ БИНОЛАР СОТУВГА ҚУЙИЛАДИ



Дружба шаҳрида жойлашган «ДЕХ-КОН ВОЗОРИ» биноси.

1992 йилда ишга туширилган. Ер майдони юзаси — 0,25 га. Фойдаланиш майдони — 1152 м². Пиниқ гишт-ва темир бетондан қурилган, томи темир бетон бостирмасидан.

Ишчилар сони — 5 нафар, 110 сотувчига мўлжалланган.

Езги ва қишқи савдо заллари, ёрдамчи хоналар ҳамда омборхонадан иборат.

Бошланғич нархи — 224,0 млн. сўм-купон. \*\*\*

Урганч шаҳар коммунал хўжалик бошқармасига қарашли, Хона кўчасида жойлашган 2-сонли «ХАММОМ».

1965 йилда қурилган. Ер майдонининг юзаси — 308,1 м². Фойдаланиш майдони — 308,1 м². Бино бир қаватли, пиниқ гишдан қурилган, томи шифер билан бостирилган.

Хаммом 30 одамга мўлжалланган. Умумий ишчилар сони — 4 нафар, Умумий ювниниш хонаси — 2 та. Алоҳида ювниниш хоналари — 8 та.

Бошланғич нархи: 43,5 млн. сўм-купон.



Урганч шаҳри Маданият ва истироҳат боғида жойлашган «Нупола» пансионати.

80 одамга мўлжалланган. 1991 йилда қурилган. Ер майдони — 30 м².

Фойдаланиш майдони — 30 м². Девори пиниқ ва хом гиштлардан қурилган, мрамор тош кукунни билан сувалган.

Томи — дур-алюминдан. Электрлаштирилган. Бошланғич нархи — 5,2 млн. сўм-купон.




Урганч шаҳридаги «Узманшйхизмат» уюшмасига қарашли тўрт қаватли маънавий хизмат уйи.

1985 йилда қурилган. Ер майдони — 800 м². Фойдаланиш майдони — 800 м². Девори ҳам, томи ҳам темир-бетон плитадан.

Маънавий хизмат уйи 55 одамга мўлжалланган.

Биринчи қаватда тўй ва тантана ўтказиладиган зали, юқорисида этиндўзлик, сартарошхона, қабул қилиш хонаси, маъмурият, тикувчилик зали жойлашган.

Бошланғич нархи — 184,2 млн. сўм-купон.



Дружба шаҳар Питняк матлубот жамиятига қарашли Питняк қишлоғи худудидagi «Питняк» ресторани. 50 ўринга мўлжалланган.

1986 йилда ишга туширилган. Ер майдони юзаси — 0,25 га. Фойдали майдони — 800 м².

Бир қаватли, силкат ва пиниқ гишдан қурилган, том бостирмаси темир-бетондан.

Умумий ишчилар сони — 3 нафар. Ресторанда овқатланиш зали, ошхона ва бир қанча ёрдамчи хоналар мавжуд. Бошланғич нархи — 142,7 млн. сўм-купон.



Урганч шаҳар коммунал хўжалигига қарашли, тайёрағоҳ биноси ёнида жойлашган «Парвоз» меҳмонхонаси.

1980 йилда қурилган. Ер майдони — 2000 м².

Фойдали майдони — 1300 м². Бино тўрт қаватли бўлиб, силкат гишдан қурилган, томи темир-бетон плита билан бостирилган.

Меҳмонхона 96 мижозга мўлжалланган.

Ишчилар сони — 20 нафар. 1-қават бар, маъмурият хоналари ва ресторандан иборат. Қолган қаватларида ётоқхона жойлашган.

Бошланғич нархи — 700,0 млн. сўм-купон. \*\*\*

Дружба шаҳар Октябрь «Нооптайр-ловсавдо» бирлашмасига қарашли, Хоразм кўчасида жойлашган. Табиат инъомлари, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари дўкони.

Ер майдонининг юзаси — 530 м². Фойдали майдони — 114 м². 1992 йилда қурилган.

Бино пиниқ гишдан қурилган, томи темир-бетон плита билан бостирилган.

Ишчилар сони — 3 нафар. Дўкон ертўли, савдо зали, ёрдамчи хоналардан иборат.

Бошланғич нархи — 102,0 млн. сўм-купон. \*\*\*

Хива шаҳар коммунал хўжалигига қарашли, Хива шаҳар, Чапаев кўчаси, 81-уйда жойлашган 3-сонли «ХАММОМ».

1964 йилда ишга туширилган. Ер майдони юзаси — 2527 м².

Фойдаланиш майдони — 807,2 м². Бино икки қаватли, пиниқ гишдан қурилган. Том бостирмаси темир-бетондан.

Хаммом 36 ўринга мўлжалланган бўлиб, умумий ишчилар сони — 7 нафар, умумий ювниниш хонаси — 2 та, алоҳида ювниниш хонаси — 10 та. Хаммомда иситиш қозонхонаси ва омборхона мавжуд.

Бошланғич нархи — 81,5 млн. сўм-купон. \*\*\*

Хива шаҳар коммунал фойдаланиш хўжалигига қарашли, Хива шаҳар, Охунбоев кўчаси, 22-а уйда жойлашган 2-сонли «Хаммом».

1965 йилда ишга туширилган. Ер майдони юзаси — 2133 м². Фойдали майдони — 559 м².

Бино бир қаватли, пиниқ гишдан қурилган бўлиб, том бостирмаси темир-бетондан.

Хаммом 24 ўринга мўлжалланган. Умумий ишчилар сони — 5 нафар, умумий ювниниш хонаси — 2 та. Алоҳида ювниниш хонаси — 8 та.

Хаммом иситиш қозонхонасига эга. Бошланғич нархи — 43,4 млн. сўм-купон. \*\*\*

Хива шаҳар коммунал хўжалигига қарашли, Хива шаҳар, Мир кўчаси, 1-уйда жойлашган 1-сонли «Хаммом».

1956 йилда фойдаланишга топширилган.

Ер майдонининг юзаси — 771 м². Фойдали майдони — 293,30 м².

Бино бир қаватли, пиниқ гишдан қурилган. Том бостирмаси темир-бетондан, шифер билан қопланган.

Хаммом 18 ўринга мўлжалланган бўлиб, умумий ишчилар сони — 4 нафар. Умумий ювниниш хонаси — 2 та. Алоҳида ювниниш хонаси — 5 та. Хаммом биносига иссиқхона, қозонхона, фин хаммоми мавжуд.

Бошланғич нархи — 3,4 млн. сўм-купон. \*\*\*

Янгиариқ тумани пахта тозалаш заводига қарашли, Мустанқиллик кўчасида жойлашган «Остона» чойхонаси.

1991 йилда қурилган. Ер майдони юзаси — 0,3 га. Фойдаланиш майдони — 0,0802 га.

Бир қаватли, пиниқ гишдан қурилган. Томи темир-бетон плита билан бостирилган.

Чойхона 50 ўринга мўлжалланган бўлиб, овқатланиш зали, ошхона, кичик хона, омборхоналардан иборат.

Бошланғич нархи — 98,0 млн. сўм-купон.

Халқ сўзи Народное Слово ТЕЛЕФОНЛАР: маълумот учун 33-07-48; эълонлар бўлими 32-09-25. Илҳос: 84808.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси. Бош муҳаррир: Анвар ЖҲАБОВ

ТАҲРИР ҚАЙҲАТИ: Абдунаб БОЙҚУЗИЕВ, Эсирған БОЛМОВ (масъул котиб, «Халқ сўзи»), Эркин ВОҲИДОВ, Мирқамол МИРАЛИМОВ, Салоҳиддин МУҲИДДИНОВ (бош муҳаррир уринбосари, «Халқ сўзи»), Лев ПАК (бош муҳаррир уринбосари, «Народное слово»), Людмила ПОРФИРЬЕВА, Шавқат РИЗАЕВ, Александр ТЮРИКОВ (масъул котиб, «Народное слово»), Шакар ЯҲЕЕВ, Пиримкул ҚОДИРОВ, Мухаммадқон ҚОРАБОВ, Санджарр ҒУЛОМОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 790000, ГСП Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 19-уй. Навбатчи муҳаррир — Н. Утубсаров, навбатчи — С. Рустамов.